

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2026 йил 1 апрель куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси ўз биносида, видеоконференцалоқа режимидаги очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Б.Мамажонов,

ҳайъат судьялари: Р.Зарипов ва О.Мирсадиковдан иборат таркибда, А.Эшматовнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори З.Эркаев, ҳимоячи Х.Абдурахмоновнинг иштирокида, ЗТга оид жиноят ишини унинг кассация шикоятни асосида кўриб чиқиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2026 йил 20 январдаги ҳукмига кўра:

1986 йил 14 октябрь куни Тошлоқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, ишламайди, судланмаган, ***** уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган ЗТ

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, ЗТ 2025 йил 29 ноябрь куни ИИБ ходимлари томонидан унинг яшаш хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганида, омборхонасида келгусида ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда 45,48 грамм кўп миқдордаги марихуана ва 6,31 грамм кўкнори сомони гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаб, сақлаб келганликда айбланган.

Кассация шикоятида, ЗТ қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароити ва моддий аҳволини инобатга олган ҳолда ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, енгиллик беришни сўраган.

Кассация судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси О.Мирсадиковнинг маърузасини, прокурор З.Эркаевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, судланган ЗТ ҳамда ҳимоячи Х.Абдурахмоновнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, куйидаги асосларга кўра кассация шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган ЗТнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад



этилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг айби ўз айбига иқрор бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари гувоҳ Д.Мелиқўзиевнинг кўрсатувлари, жиноят иши ҳужжатларидаги билдирги, хабарнома, хонадонни кўздан кечириш баённомаси, ашёвий далилни олиш баённомалари, суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 8 декабрдаги 2302 ва 2303-сонли хулосалари ва фотосуратлар ҳамда ишда тўпланган ва атрофлича муҳокама қилинган объектив далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, ЗТнинг жинойий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар иш ҳужжатларидаги объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган ишнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу ҳолатлар суд муҳокамасида Жиноят-процессуал кодексининг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Кассация инстанцияси суди, биринчи инстанция суди томонидан, судланган ЗТга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 3-бандидаги, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

25¹-бандида, озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан уй-жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёхуд ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборатлиги;

судлар жиноят ишида судланувчининг ҳақиқатда муқим иш жойига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аҳамият қаратишлари лозим ҳақидаги тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция суди, ЗТнинг айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини эътиборга олиб, жиноят предметининг миқдорини ҳамда инсонпарварлик ва одиллик принципларига амал қилиб, келгусида уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин деган фикрга келиб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлаб, асосли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.



Бирок, биринчи инстанция суди жазо меъёрини танлашда қилмишнинг хусусияти, ЗТнинг оилавий аҳволи, турмуш тарзи ҳамда бошқа муҳим ижтимоий омилларни инобатга олмаган.

Хусусан, Тошлоқ тумани, “Ўзбекистон” МФЙ фаоллари иштирокида тузилган 2025 йил 21 январдаги далолатномага кўра, ЗТ Тошлоқ тумани, Ўзбекистон МФЙ, Катта-ариқ кўчаси, 31-уйда ота-онаси ҳамда бошқа оила аъзолари билан биргаликда яшаб келиши, отаси 1-гуруҳ ногирони, онаси нафақада, турмуш ўртоғи уй бекаси экани, қарамоғида 3 нафар фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчилиги кўрсатилган.

Шунингдек, ЗТ Тошлоқ туманидаги “Давлатобод нури” фермер хўжалигида 2026 йил 16 февралдан ёрдамчи ишчи сифатида ишга қабул қилиниб, муқим иш жойига эга бўлган.

Бундан кўринади-ки, ЗТга яшаш хонадонидан чиқишни бутунлай тақиқлаш унинг ва оиласининг кундалик ҳаёт фаолияти ва моддий таъминотига жиддий тўсқинлик қилади.

Олий суд Пленумининг 2024 йил 25 мартдаги 7-сонли “Жиноят ишларини апелляция, кассация тартибида кўриш амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 22-бандида, апелляция, кассация инстанцияси судлари қуйи инстанцияси суди ҳукми, ажримининг тавсиф ёки қарор қисмига ўзгартириш киритилганда ҳам, башарти бу айблов ҳажми, қилмишнинг квалификацияси, тайинланган жазо тури ва миқдори ўзгаришига олиб келмаса, суд қарорлари ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли эканлиги ҳақида тушунтириш берилган.

ЖПКнинг 509⁹-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди, агар чиқарилган суд ҳукми моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришга ҳақлидир.

Шунга кўра ҳамда суд ҳукми моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлиги аниқланганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдирган ҳолда, шикоятни қисман қаноатлантириб, ЗТга нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақт учун белгилашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 509⁹, 509¹⁰-моддаларига асосланиб, кассация инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

ЗТга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2026 йил 20 январдаги ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин.

ЗТга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тайинланган 3 йил озодликни чеклаш жазоси ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақт учун белгилансин.

Кассация шикояти қисман қаноатлантирилсин.



Ажрим устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи
Ҳайъат судьялари

имзо

имзо

имзо

Б.Мамажонов

Р.Зарипов

О.Мирсадиков

нусхаси аслига тўғри
вилоят судининг судьяси

О.Мирсадиков



Раислик қилувчи:

Б.Мамажонов

Ҳайъат судьялари:

Р.Зарипов

О.Мирсадиков

Ҳужжат имзоланган: Мирсадиков Ойбек Анваржонович, 04.04.2026

